

Жавоби оддий

10:27 / 22.04.2017 4861

Радио эшиттиришлардан бирида тингловчиларга бир савол берилиб, ўша саволга тўғри жавоб берган иштирокчига жуда қимматбаҳо совға эълон қилинди. Ўша савол қуйидагича: “Бир кичик қайиқ бўлиб, унга тўрт фан олимлари, яъни физик, кимёгар, астроном ва биолог минишибди. Бир оз вақтдан кейин ҳалиги қайиқ чайқалиб, чўка бошлабди. Зудлик билан олимлардан бири қайиқдан тушиши керак. Акс ҳолда тўртовлари ҳам денгизга ғарқ бўлишади. Бу муаммодан қутулиш учун қайси олим қайиқдан тушиб қолиши керак?”

Ушбу савол эълон қилинган, радиостудия телефон қўнғироқларига тўлиб кетди. Қимматбаҳо совғани қўлга киритиш учун ҳар бир иштирокчи саволга батафсил жавоб беришга уринар, илмий жиҳатдан ёндошиб, турли жавоб вариантларини айтар эди.

Олимлар орасидан жамиятга фойдаси камроқ тегадигани тушиб қолиши керак деб, бирлари физик олимни кўрсатса, бошқаси астрономни, яна бири биологни, баъзилари эса кимёгарни кўрсатарди. Аммо барчанинг жавоби нотўғри бўлиб чиқаверарди. Охири эндигина 6 ёшга тўлган қизча тўғри жавобни айтди: “Қайиқдан вазни энг оғир олим тушиб қолиши керак!”

Ҳа, жавоб жуда оддий бўлиб, илмий ёндошишга, тафсилотларга киришишга асло ҳожат йўқ эди. Ҳаётда шундай муаммоларга дуч келамизки, уларни оддий, содда йўллар билан ҳал этиш мумкин бўлади. Бироқ биз кўпинча уларни ҳал қилиш учун узоққа кетиб қоламиз, тафсилотларига киришиб кетамиз, ўзимизни кўп уринтириб қўямиз.

“Вазиятларни бошқариш санъати” китоби асосида

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади